ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

# “ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

# “АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Тошкент фармацевтика институти Илмий кенгашининг
13.10.2009 йилдаги 3-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилган

# Қуритилган қизил сабзи порошогининг технологик хоссаларини ўрганиш

Ф.А.Умарова, К.С.Махмуджонова, Н.С.Файзуллаева
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: қизил сабзи таркибида кўп миқдорда каротин, В гуруҳ витаминлари, аскорбин кислотаси, қандлар, калий, кальций, магний, темир, фосфор ва йод каби элементларни мавжулиги сабабли уни турли (ошқозон-ичак, тери ва б.) касалликларни олдини олиш ва пархез маҳсулоти сифатида тиббиётда кенг қўлланилади. Биз қаттиқ дори турларда тўлдирувчи ҳамда ранг ва таъм корригенти сифатида ишлатиш мақсадида қизил сабзи порошогини олдик ва технологик хоссаларини ўргандик.
Усуллар: қизил сабзи тозалаб ювилиб, сўнг пўсти арчилмасдан майда паррак бўлакларга бўлиб тўғралади ёки қирғичдан ўтказилади. Паррак қалинлиги 1-2 мм. Майдаланган қизил сабзи қуритгич жавонида 400 С ҳароратда ёки ёзда қуёш нури тушмайдиган жойда очиқ ҳаводa қуритилади. Қуриган сабзи массасининг қолдиқ намлиги 5% ошмаслиги керак. Қуриган масса Исламгулов тегирмонида майдаланиб, тешигининг диаметри 150 мкм ли элакдан ўтказилди. Қурутилган массанинг технологик хоссалари адабиётларда келтирилган усуллар ёрдамида ўрганилди ва ширинлик коэффициенти ҳисобланди. Ширинлик коэффициенти қуйидаги тенглама бўйича ҳисобланди: П=С/Кш. Бу ерда П – олинадиган ширинлаштиргич миқдори, г; С – қанд миқдори, г; Кш – ширинлик коэффициенти.
Натижалар: қизил сабзи порошогининг ташқи кўриниши – чиройли оч оловрангли, ўзига хос ҳидли ва ширин таъмга эга кукун. Майдаланган ва ва диаметри 150 мкм ли элакдан ўтказилган қизил сабзи порошогининг технологик ҳоссалари ўрганилди. Бунда фракцион таркибнинг асосий қисмини 150-500 мкм ли заррачалар (87,3%), қолган қисмини 150 мм дан кичик (12,7%) заррачалар ташкил этди; массанинг сочилувчан зичлиги - 672±1,6 кг/м3, сочилувчанлиги - 6,25.10-3 кг/с, зичланиш коэффициенти – 2,65, прессланувчанлиги 60±5,0 Н, қолдиқ намлиги (700 С) – 4,5-5,5%, ташкил этди. Қизил сабзи порошогининг 5% қанд эритмасига нисбатан ширинлик эквиваленти - 0,16 ни ташкил этди.
Хулосалар: олиб борилган тажрибалар натижасида қизил сабзи кукуни ижобий технологик хоссаларни намоён этди ва перорал қаттиқ дори турларида тўлдирувчи ва корригент сифатида қўлланилиши мумкин.